

Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш таълим йўналиши тўғрисида қисқача маълумот

5620200 - "Ҳаводаги ҳаракатини бошқариш" йўналишида Ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатишни ташкил этиш , Авиация метеорологияси, Ҳаво навигацияси, Радиоалмашув фразеологиясининг қоидалари, Парвозларнинг радиотехник таъминоти, Аэропортлардан фойдаланиш ва ҳавода ташиш, Махсуслаштирилган инглиз тили, Махсуслаштирилган тренажёр тайёргарлиги, Диспетчер ишининг технологияси фанларидан кафедранинг профессор-ўқитувчилари ҳамда "Ўзаэронавигация" давлат унитар корхонасининг авиадиспетчерлари дарс ўтадилар. Иккинчи курсдан бошлаб махсуслаштирилган фанлар инглиз тилида ўтилади. Талабаларга дарс бериш жараёнида, уларни ҳаво ҳаракатини бошқариш бўйича етук мутахассис бўлишлари учун имкон берадиган энг замонавий техника билан жиҳозланган ўқув лабораториядан фойдаланадилар. Амалиётлар "Ўзаэронавигация" давлат унитар корхонасида олиб борилади. Ушбу йўналишда ўқиш учун абитуриентлар махсус тиббий эксперт комиссияси текширувидан ўтадилар ва ҳар йили талабала тиббий кўрикдан ўтиб туришади. Шу билан бирга инглиз тилини билиш керак, ҳеч бўлмаганда Upper Intermediate даражасида.



Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар

Ўқишни тугатгандан сўнг битирувчилар "Ўзаэронавигация" давлат унитар корхонасига ишга юборилади ва улар Ўзбекистон Республикасининг исталган ХХБ марказларида ишлашлари мумкин. Шунингдек, ушбу йўналиш битирувчилари бошқа транспорт ва логистика соҳаларида ишлашлари ҳам мумкин.

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?

Ҳаво ҳаракатини бошқариш йўналиш бўйича олий касбий таълим олгандан сўнг, талабалар авиадиспетчер соҳаси бўйича, ёки бошқа транспорт ва логистика хизматларида ишлашлари мумкин.